*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2014 йил
**7 июнь**
ШАНБА
**№ 46** (12682)

www.th.uz

Билимлар беллашуви

## ЧАРХЛАНАЁТГАН ИҚТИДОР

**Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан 3 йилдан буён мактаб ўқувчиларининг фанлар бўйича билимлар беллашувларини ташкил этишнинг тўрт босқичли (мактаб, туман, вилоят ва республика) механизми ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад, мактабларда соғлом рақобатни юзага келтириш орқали ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш, уларнинг қобилият ва иқтидорларини қуйи синфлардан бошлаб аниқлаш, Давлат таълим стандартларида белгиланган талабларнинг бажарилиш ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда таълим сифати кўрсаткичлари асосида ўқитувчилар, таълим муассасалари, ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари фаолиятини баҳолашдан иборат.**




– Билимлар беллашувининг нуфузи мактаб ўқувчилари орасида йилдан-йилга ошиб бормоқда, – деди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Қаҳрамон Мавлонов. – Буни унда иштирок этиш истагини билдирган ўқувчилар сонининг кўпаяётганида ҳам кўришимиз мумкин. Билимлар беллашувини юқори савияда ва адолатли ташкил этиш мақсадида қатор ўзгаришлар амалга оширилаяпти. Жумладан, беллашувга янги: немис, француз тиллари, ҳуқуқ ва иқтисод фанлари қўшилди. Ёзма иш, лаборатория машғулотлари, хорижий тиллар бўйича ёзма ва оғзаки мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган назорат турлари киритилди, иштирокчилар учун саволлар банки яратилиб, уларнинг махфийлиги таъминланди. Шунингдек, билимлар беллашуви ўтказиладиган аудиторияларда ота-оналар иштирокига рухсат берилди.

*(Давоми 2-бетда).*

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари пойтахтимиз, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида бўлиб, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш, қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар, юртдошларимиз билан суҳбатлашдилар.**




## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш, фермерлик ҳаракатини ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилган туб ислоҳотлар самарасида мамлакатимиз тарихан қисқа даврда озиқ-овқат мустақиллигига эришди.



Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 31 октябрда қабул қилинган "2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни ва бошқарувини ташкиллаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори озиқ-овқат саноатининг изчил тараққий этишида муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Халқаро конференция иштирокчилари Тошкент шаҳридаги "Gold Dried Fruits" масъулияти чекланган жамияти, "Green World" Ўзбекистон-АҚШ-Жанубий Корея, "Lazzat Karamel" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхоналарида бўлиб, озиқ-овқат саноати соҳасида эришилаётган ютуқлар билан танишди.

2013 йилда ташкил этилган "Gold Dried Fruits" корхонаси қуритилган сабзавот маҳсулотлари ва зираворлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Юздан зиёд ишчи меҳнат қилаётган корхона бир кунда 120 тонна ҳосилни қайта ишлаш қувватига эга. Маҳсулотларнинг 90 фоизи экспорт қилинмоқда.

"Ўзбекистон иқтисодиётнинг барча соҳаларида изчил ривожланаётган мамлакат, – дейди Атроф-муҳитни ўрганиш институти директори, профессор Майкл ЭДЕЛЬШТЕЙН (АҚШ). – Мамлакатингизга ҳар гал келганимда улкан ўзгаришларнинг, барча соҳада қўлга киритилаётган янги-янги ютуқларнинг гувоҳи бўламан. Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Бу жиҳатдан Тошкентда ўтказилаётган халқаро конференция ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон кўркам боғ-роғлари, ширин-шакар мевалари билан дунёга машҳур. Қуёш нурига тўйинган бундай мазали меваларни бошқа ҳеч қайси мамлакатда учратмаганман".

Чет эл инвесторларининг мамлакатимизга сармоя киритишга қизиқиши тобора ошмоқда. Буни мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларидаги қатор сармоявий лойиҳаларда фаол

*(Давоми 2-бетда).*

2014 йил – Соғлом бола йили

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

**Вилоят ҳокимлигида "Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашнинг қонунчилик асослари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**Унда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят маънавият ва маърифат марказлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, вилоят соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда халқ таълими бошқармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, шунингдек, бир қатор тегишли жамоат ташкилотларининг шаҳар ва туман бўлимлари вакиллари иштирок этди.**

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида баркамол, соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлатимизнинг устувор вазифаларидан бирига айланди. Жумладан, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган давлат дастурларида бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб номланиши ва дастурда белгиланган устувор вазифалар мазкур ишларнинг амалий ифодаси эканлиги қайд этилди. Изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар бир қатор хорижий давлатлар томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, қабул қилинган "Соғлом бола йили" Давлат дастури Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Бош ассамблеянинг 68-сессиясида расмий ҳужжат сифатида тарқатилди. Шунингдек, мамлакатимизда узвий йўлга қўйилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари "Болаларни асрайлик" жаҳон рейтингида дунёнинг 161 мамлакати ичида дастлабки ўнталикдан муносиб ўрин эгаллади.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Ғофиржон Муҳамедов мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида миллий қонун ҳужжатларининг ижро этилиши борасида атрофлича сўз юритди. Шунингдек, бир қатор маърузачилар ривожланган демократик давлат талабларига жавоб берадиган юксак маънавиятли, етук ёш кадрларни тайёрлаш масаласи, соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизими олдида турган долзарб вазифалар, ёшларда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, вояга етмаганлар билан ишлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳамкорлиги самаралари хусусида батафсил тўхталиб ўтдилар. Бу борада вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар, галдаги вазифалар хусусида ҳам фикрлашиб олинди.

Йиғилиш якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.**





**2014 йил учун ОБУНА давом этмоқда. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси обуна индекси – 205.**

Пилла – 2014

## ТЕРИМ АВЖ ПАЛЛАДА



**Вилоятимиз пиллакорларининг айни шу кунларда қўли-қўлига тегмайди. Уларнинг заҳматли меҳнатлари самараси бугун кумушдек товланиб, барчага завқ бағишламоқда.**

Бекобод тумани пиллакорлари ҳам бу ишнинг ҳадисини олган миришкор деҳқонлардан. "Галаба", "Ўзбекистон", Навоий, Ойбек ва Мавлонов ҳудудларида мавсум қизғин давом этмоқда.

"Ачамайли рисқ агро", "Мўйинқум агро", "Суюн Хонимқул", "Суюнбой Дилшод агро", "Анварбек-Туронбой", "Дилзиё шамс", "Абдурауф полвон" каби фермер хўжаликлари пиллакорлари ҳар қути ипак қурти уруғидан 60-65 килограммдан ҳосил етиштириб, шартнома режаларини ортиғи билан бажаришди. Айниқса, "Ўзбекистон" ҳудудидаги Умиджон Ғофуров раҳбарлик қилаётган "Дилзиё шамс" фермер хўжалиги аъзолари ҳамжиҳатликда 15 қутидан салкам 60 килограммдан жами 900 килограммга яқин юқори сифатли пилла топшириб, барчага ибрат кўрсатишди.

Ўз навбатида пиллакорларнинг заҳматли меҳнатлари муносиб рағбат топаётганини таъкидлаш жоиз. Туманнинг "Кумуш тола" шўъба корхонаси томонидан илғор пиллакорларга 2 тоннадан ортиқ писта ёғи, 10 минг метрга яқин адрас ва чит матолари тарқатилди. Бундай эътибор ва рағбат ўз самарасини бериши, тез кунда 210 тонналик "кумуш тола" хирмони қад ростлаши шубҳасиз.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

*СУРАТДА: лаборант Холнисо Шорустамова 10 йилдан буён пилла етиштиришда пешқадамлардан.*

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Яна тўловлар ҳақида

## ЯХШИ ОТГА БИР ҚАМЧИ

**Газетамизнинг ҳар сонида коммунал хизматлардан оқилона фойдаланиш, тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳақида кўп ва хўп ёзилаяпти. Лекин, айрим фуқароларимизнинг бу масалага беписандлик билан қарашаётгани ачинарлидир.**

Олмалиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими ходимлари берган маълумотларга қараганда, бу йил 814 миллион 600 минг сўм коммунал тўловларни ундириш тўғрисидаги 3619 та ижро ҳужжати келиб тушган. Таҳлилларга кўра, 2539 та ҳужжатдаги 442 миллион 213 минг сўм газдан, 323 та ҳужжатда кўрсатилган 102 миллион сўм эса электр энергияси қарзидир.

Шаҳар суд ижрочилари бўлими ходимлари мазкур қарзларни ундириш учун коммунал идоралар билан ҳамкорликда ишлашмоқда. Чунончи, қарздорларнинг хонадонларига тўлов терминалларини олиб бориб, қарзларни тўлаттиришга эришилаяпти. Ўтган йилнинг шу даврида мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида 169 та ижро ҳужжати бўйича 17 миллион 178 минг сўм ундирилган эди. Бу йил эса шу кунгача 2382 та ижро ҳужжати бўйича 306 миллион 776 минг сўм газ тўловлари тўлаттирилди.

Ҳудудда газдан қарздорлар талайгина. Чунончи, Маънавият кўчаси 1-уйда яшовчи Асомиддин Жалилов шулардан бири. Унинг қарзи 140 минг сўмга етган бўлсада, тўлашни пайсалга солиб юрганди. Суд ижрочилари уйига бориб, мол-мулкини мусодара қилишга киришишганидагина қарзини ихтиёрий равишда ортиғи билан тўлади.

Газдан қарздорлар сафида Наргиза Куралова (213 минг), Феруза Йўлдошева (172 минг) етакчилик қилишаяпти.

– Ишимизда самарага эришиш учун аҳоли гавжум жойлар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида учрашувлар ташкил этаяпмиз, – деди Олмалиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими бошлиғи Эркин Эрматов. – Суҳбатларда фуқаролар коммунал тўловлар ўз вақтида тўланиши зарурлиги тўғрисида огоҳлантирилаяпти. Акс ҳолда, суд қарорлари асосида қабул қилинган ижро ҳужжатлари бўйича қўшимча харажатлар кўпайиши мумкинлиги тушунтирилмоқда. Буларнинг бари натижасини бермасдан қолмаяпти.

Бу йил электр тармоқлари корхонаси фойдасига 223 та ижро ҳужжати бўйича қарздор абонентлардан 54 миллион 299,2 минг сўм электр энергияси тўловлари ундириб берилган. Ўтган йилнинг шу даврида қарздор жисмоний шахслардан 177 та ҳужжат бўйича 45 миллион 709 минг сўм қарзлар тўлаттирилган эди.

Бугун ёки эртага Нишонбой Омонов (205 минг), Абдушукур Мингбоев (186 минг), Аброр Аҳроров (840 минг), Рустам Исченов (386 минг) каби фуқаролар электр энергиясидан қарзларини тўлаб қўйишса ажаб эмас. Ахир, "Яхши отга бир қамчи етади", дейишадику...

**Хуршида НАЗАРОВА.**

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?»

Газетанинг 2014 йил 14 майдаги 39-сонида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада вилоятимиздаги оромгоҳлардан айримларида мавсумга тайёргарлик ишлари қониқарсиз аҳволда эканлиги танқид қилинган эди.

Таҳририят ушбу мақола юзасидан Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими Бектемир Ибрагимов имзоси билан жавоб хати олди. Унда таъкидланишича, 124-махсус мактаб-интернатнинг дала ҳовлиси ҳисобланувчи Бўстонлиқ туманидаги "Сижжак" оромгоҳида 2014 йилда 30 ўринли дала павильони қурилган. Ушбу қурилишга давлат бюджетидан 25 миллион сўм маблағ сарфланган. Туман ҳокимлиги оромгоҳни 30 та каравот, 30 та тумбочка ва ётоқ анжомлари билан таъминлаган.

Шунингдек, оромгоҳдаги мавсумга тайёргарликка доир чора-тадбирлар режаси ҳамда 124-махсус мактаб-интернат директори Т. Абдуҳакимованинг жавоб хати ҳам илова қилинган. Унда айтилишича, туман ҳокимлиги қуйидаги ишларда амалий ёрдам кўрсатган: павильон учун 2 тонна цемент, шунингдек спорт анжомлари, ётоқ мебеллари ва транспорт хизмати билан таъминлаган. Бундан ташқари, 10 дона гилам ва ошхона ашёлари олиб берилган.

Ҳозирда оромгоҳ болаларни қабул қилиб олишга тайёр.

Билимлар беллашуви

# ЧАРХЛАНАЁТГАН ИҚТИДОР




Синовларни ўтказиш ва текшириш жараёнларига беллашувда ўқувчиси иштирок этмаётган педагоглар жалб қилинди. Бу бўйича методик тавсиялар, назорат материалларининг намуналари ишлаб чиқилди. Вилоят мактабларида ҳам фан олимпиадаларига катта эътибор қаратилаётгани боис, мазкур мусобақаларда ўқувчиларимиз ўз тажрибаларини бир неча йилдан бери кўрсатиб, олдинги ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Бу йил вилоятимиздан 36 нафар 6-8-синф ўқувчилари беллашувнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ҳозир улар Бўстонлиқ туманидаги 6-мактаб-интернатида жамулжам бўлишган. У ерда 15 нафар тажрибали ва малакали ўқитувчи раҳбарлигида яқинлашиб келаётган нуфузли тадбирга тайёргарлик кўришаяпти. Бунинг учун барча шароитлар яратилган. Машғулотлар, тест топшириқлари... Кун якунида ақлни чархлаш учун шахмат ўйнашга ҳам вақт қоляпти. Овқатланиш ва ҳордиқ чиқариш талаб даражасида.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Биринчи ўринни оламан деб ўйламагандим, – дейди Бекобод туманидаги 1-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Бекзод Сулаймонов. – Француз тилига қизиқиб, ўрганишга астойдил ҳаракат қилаяпман. Меҳнатим зое кетмади. Шунинг учун ёзма, оғзаки ва тест имтиҳонларини топширишда қийналмадим. Республика босқичида ҳам фахрли ўринни эгаллашга интилаяпман.

– Танловда қатнашаётганимдан хурсандман, – дейди Паркент туманидаги 10-мактаб ўқувчиси Хуршида Тўйчиева. – Устозларимнинг менга бўлган ишончини оқлашга ва берилган имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан.

Янгийўл туманидаги 31-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Акром Холиқов ўқувчиларнинг билим ва заковатига юқори баҳо берди. Уларнинг республика беллашувларида юқори поғоналарни эгаллашларига ишонч билдирди.



Дарҳақиқат, бугунги авлод олдига давр янги вазифаларни қўймоқда. Келажакда улар билим ва салоҳиятлари билан Ватаннинг порлоқ ва буюк келажагини бунёд этишга ўз ҳиссаларини қўшишларига ишонамиз.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

**Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитда униб ўсиши, замонавий билим ва касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаши, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

# МАКТАБДАН – КОЛЛЕЖГА

Умумтаълим мактаблари битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўла қамраб олишда уларнинг билими ва қизиқишини инобатга олиш, ўз интилишига қараб муайян касбга йўналтириш муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилда вилоятимизда умумтаълим мактабларининг 9-синфини 40 мингдан зиёд ўқувчи битиради. Ўтказилган сўровномалар натижасига кўра, 36 минг 721 нафар мактаб битирувчиси вилоятдаги 6 академик лицей ва 122 касб-ҳунар коллежида, қолганлари Тошкент шаҳридаги шундай ўқув юртларида ўқишни давом эттириш истагини билдирган.

Умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаётган ўқувчиларни лицей ва коллежларга қамраб олиш юзасидан вилоят халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Мактаб битирувчилари учун лицей ва коллежларда "Очиқ эшиклар куни", "Мутахассислик – сенинг келажагинг", "Тўғри танланган касб – оила фаровонлиги асоси!" каби тадбирлар, давра суҳбатлари, турли кўргазмали семинарлар ўтказилмоқда.

Янгийўл хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ҳам мактаб битирувчиларининг ҳужжатларини қабул қилишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, 9-синфни тамомлаётган ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш 15 июндан бошланади.

**ЎзА.**

«Ёш сиёсатчи – 2014»

# НАВҚИРОНЛАР МИНБАРИ

**Пискент туманидаги мусиқа ва санъат мактабида "Мен Ватаним равнақига ҳисса қўшишни хоҳлайман" шиори остида ёшларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга қизиқишларини рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкиллаштирилган "Ёш сиёсатчи – 2014" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловни Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши "Истиқбол" ёшлар қаноти ташкил этди.**

Иштирокчилар учта шарт бўйича беллашишди. Биринчи шартда слайдлар орқали ўз лойиҳаларини намойиш қилишди. Яъни, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари, мавжуд шароит ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли бандлигини таъминлаш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш, экологик муаммоларни бартараф этиш, жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш каби масалалар ёритилди.

Иккинчи шартда Президент асарлари, сиёсий партиялар, "Истиқбол" ёшлар қаноти фаолияти бўйича саволларга жавоб беришди. Танловнинг учинчи шартида ёш сиёсатчилар нотиқлик санъатини қай даражада эгаллаганларини намойиш этишди.

Тадбир сўнгида ғолиб ва иштирокчиларга ЎзХДП вилоят кенгашининг диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Наргис ҲАСАНОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**



# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА






иштирок этаётган хориж компаниялари мисолида ҳам кўриш мумкин. Пойтахтимиздаги "Green World" Ўзбекистон-АҚШ-Жанубий Корея қўшма корхонаси ана шундай муассасалардан.

Бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан турли шарбатлар, мураббо, шинни ва консерваланган тузламалар тайёрланади. Бежирим қадоқланаётган мева шарбатлари юқори сифати, хуштаъм ва табиийлиги билан ажралиб туради.

"Президент Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистонда ҳар соҳа, жумладан, озиқ-овқат саноати изчил тараққий этаётганининг гувоҳи бўлдик, – дейди Кордоба вилоятининг Фермерлар уюшмаси президенти, Ишбилармонлар палатаси раиси Игнасио Фернандес де МЕСА (Испания). – Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Бу мамлакатингизда бозор иқтисодиётига оид ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш натижасида қўлга киритилаётган улкан ютуқларнинг халқаро ҳамжамият, хусусан, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки каби кўплаб йирик молия муассасалари томонидан эътироф этилишида ўз ифодасини топмоқда. Конференция иштирокчилари учун уюштирилган бизнес-учрашувлар, қатор корхоналар фаолияти билан танишув мамлакатингиз иқтисодий салоҳияти ҳақида бой тасаввурга эга бўлиш имконини бермоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар, улардан тайёрланаётган шарбатлар юқори сифати, хуштаъмлиги ва табиийлиги билан ҳавасимизни тортди. Меваларнинг бу қадар кўплиги, турларининг хилма-хиллиги, бир-биридан мазалилиги бизни лол қолдирди. Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, мавжуд муносабатларни янада мустаҳкамлаш ниятидамиз".

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қандолат маҳсулотлари орасида "Lazzat Karamel" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёрланаётган 30 турдаги ширинликлар истеъмолчиларга маъқул келаётир. "Lazzat Karamel" йилига тўрт минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

"Ташкилотимиз Ўзбекистон билан кўп йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келаётир, – дейди Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси раисининг ўринбосари Халед Муҳаммад Ал-АБУДИЙ. – Ўзбекистондаги корхоналарнинг фаолияти йил сайин такомиллашиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпайиб, сифати тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. "Асака", "Asia Alliance" каби ўнга яқин банклар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Шу пайтгача кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир, хусусан, Ўзбекистондаги 172 корхонани молиялаштиришга оид кўплаб қўшма лойиҳаларни амалга оширдик. Келгусида қўшма лойиҳаларимиз қамрови янада кенгаяди, деган умиддаман. Мамлакат иқтисодиётини тараққий эттириш борасида Президент Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ".

Меҳмонлар Тошкентдаги "Фарҳод" деҳқон бозорида ҳам бўлдилар.

"Компаниямиз озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланади, – дейди "OTTO Young Heung Groceries" компанияси президенти Сео Хюн СУ (Жанубий Корея). – Конференция доирасида пойтахтингиздаги қурилган сабзавотлар, турли шарбатлар, консерваланган маҳсулотлар ва ширинликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган қатор корхоналарда бўлиб, маҳсулот тайёрлаш жараёни билан яқиндан танишдим. Ўзбекистон бозорлари ўзининг бетакрор жозибаси, тўкинлиги билан довруқ қозонган. "Фарҳод" деҳқон бозоридаги файзу баракани кўриб, дилим яйради. Конференция доирасида "Green World" ва "Arktika Bottlers" корхоналари маҳсулотларини сотиб олиш бўйича яқин ҳамкорлик ўрнатиш ниятидаман".

Хорижлик меҳмонлар Юқори Чирчиқ туманидаги "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, бу ерда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойлар билан танишди.

Мазкур маҳаллада ижтимоий-маданий, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари пухта ишлаб чиқилган режа, замонавий меъморлик лойиҳалари асосида қурилган. Маҳалла гузарида қад ростлаган супермаркет, нон цехи аҳолининг эҳтиёжларига мос фаолият кўрсатмоқда.

"Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида қурилаётган янги уй-жойлар лойиҳалари пишиқ ва ҳар томонлама қулай эканига ишонч ҳосил қилдик, – дейди "Plantrees" компаниясининг савдо бўйича директори Каролин ЛАМБЕР хоним (Бельгия). – Лойиҳада оила аъзоларининг барча эҳтиёжлари инобатга олинган. Хонадонлар газ, электр энергияси, ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган, ҳудудда мини-маркетлар фаолияти йўлга қўйилган. Нон цехида тайёрланаётган эллик турдаги нон маҳсулотларидан татиб кўрдик. Кенг, батартиб, файзли кўчалар, ҳовлиларда яшнаб турган дарахтлар, гулларнинг тароватидан баҳри-дилингиз очилади. Мамлакатингиздаги тинчлик, ободлик ва фаровонликка ҳавасим келди".

"Тошкент боғ-роғлари" масъулияти чекланган жамиятида нок, олма ва олхўри етиштирилмоқда. 50 гектарда жойлашган интенсив боғдан ўтган йили дастлабки ҳосил олинди.

"Ўзбекистон мева-сабзавот ва узум етиштириш бўйича дунёнинг кўплаб давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди, – дейди "DISYS" компанияси бош ижрочи директори Ким Ки ХВАНГ (Жанубий Корея). – Бу Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида анча илгарилаб кетганидан далолатдир. Корхонамиз фермер хўжаликларига мобиль телефон ёрдамида иссиқхоналарни назорат қилишга мўлжалланган технологияларни тақдим этади. Юртингизда фермерларга яратилаётган имтиёзларни ҳисобга олсак, бу технологиянинг соҳага татбиқ этилиши мулкдорларни ахборот технологиялари билан таъминлаш имконини беради".

"Ўзбекистонда сабзавотларни қадоқлаш бўйича илғор тажриба тўпланган, – дейди "Junction Xervices" компанияси ижрочи директори Дар ЯП хоним (Сингапур). – Консервантлар ва кимёвий қўшимчаларсиз тузланган бодринг таъми оғзимда қолди. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва текстиль саноати ривожлангани ҳақида эшитганман. Қайта ишлашнинг бунчалик юксалгани ҳақида билмас эдим. Бу ерда фаолият юритаётган ёшларнинг ғайрати, корхонадаги тозалик, санитария меъёрларини кўриб ҳайратда қолдим".

Халқаро конференция иштирокчилари Зангиота туманидаги "Master Delikatesov" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам танишишди. Мазкур корхона ўтган йили 1 миллион 800 тонна колбаса маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб берди.

"Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталик, бозорлардаги тўкин-сочинликка ҳавасим келди, – дейди "Путра" университетининг муҳандислик факультети декани, профессор Азмий бин Дато ЯҲЁ (Малайзия). – Ҳозир кўплаб давлатларда нотинчликлар, озиқ-овқат тақчиллиги юз бермоқда. Нарх-навони кузатиб, ўзимизники билан таққослаб кўрдик. Нархлар жуда арзон. Энг муҳими, маҳсулотларнинг барчаси экологик соф ва табиий. Бундай тўкинлик, арзончилик, мўл-кўлчиликка шукр қилиш, унинг қадрига етиш зарур".

Халқаро анжуман иштирокчиларининг бир гуруҳи Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Самарқанд туманидаги "Оҳалик олтин боғи меваси" фермер хўжалигида 680 гектар майдонда интенсив боғ ташкил этилган. Бу ерда йилига 10 минг тонна мева етиштирилмоқда. 2013 йилда 3 миллион доллар миқдорида даромад олинган. Хўжаликда етиштирилаётган меванинг 2,5 минг тоннаси қайта ишланиб, ўнга яқин мамлакатга экспорт қилинмоқда.

"Ушбу фермер хўжалигида интенсив технология асосида яратилган боғлар менда катта таассурот қолдирди, – дейди Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича уюшманинг лойиҳа раҳбари Паулина МОР хоним (Германия). – Мевалар таъми ва хуш бўйи билан алоҳида ажралиб турибди. Экинларни томчилаб суғориш усули ҳам ўзига хос. Боғдорчиликка ихтисослашган Германиянинг кўплаб компаниялари Ўзбекистон билан мазкур йўналишда ҳамкорлик қилишга қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистонда етиштириладиган барча турдаги мевалар, жумладан, қуруқ мевалар жаҳон бозорида юксак қадрланади".

2002 йилда ташкил этилган "Агромир Самарқанд" қўшма корхонаси нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатлар бозорида ҳам ўз харидорига эга. Корхонада мева-сабзавотлардан консерваланган маҳсулотлар, мева шарбатлари ва нектарлар ишлаб чиқарилади. Улар қатор мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

"Ушбу қўшма корхона фаолияти билан танишиб, ўзим учун катта тажриба орттирдим, – дейди "Great Lakes Agro Energy" компаниясининг бош технологи Жон Марк ХАКНИ (АҚШ). – Бу ерда илғор технологиялар ва халқаро андозалар асосида ишлаб чиқарилаётган турли шарбатлар ва консерва маҳсулотларининг таъми оғизда қолади. Мазкур корхонада ўрганганларимни, орттирган тажрибамни компаниямизда қўллаш ниятидаман. Компаниямиз мамлакатингиз билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан манфаатдор".

Меҳмонлар Самарқанддаги Регистон ансамбли, Амир Темур мақбараси, Мирзо Улуғбек расадхонаси ва бошқа тарихий обидаларни катта қизиқиш билан томоша қилишди, шаҳарда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишишди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Бобур ОБИДОВ,**
**Сайёра ШОЕВА,**
**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

Огоҳлик – давр талаби

# ВАТАННИ АРДОҚЛАЙ БИЛИНГ!

**Республика маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида ҳамкор ташкилотлар иштирокида қатор маънавий-маърифий тадбирлар уюштирмоқда. Зеро, ён-атрофимизда, ҳатто орамизда ҳам Ватанимиз тараққиётини кўролмайдиганлар, ёт ғояларни ташувчилар топилиб турибди. Налож, эркин, озод ҳаёт, тамаддун куртаклари барг ёзиб, гул очаётган мустақил Ўзбекистонимизнинг дўстлари кўп, аммо душманлари ҳам етарли.**

Алалхусус, барча саъй-ҳаракатларимиз дунёда ўз ўрни, нуфузига эга бўлиб бораётган Ўзбекистонимизни ёмон кўзу бўҳтон сўзлардан эҳтиётлаш, асраб-авайлашга қаратилган. Айниқса, эндигина оқ-қорани таниб келаётган ёшларимиз тарбиясига ҳушёр бўлишимиз керак. Шу мақсадда вилоятимиз шаҳар, туманларида, ўрта-махсус таълим муассасалари – академик лицей, коллежларда "Ўзбекистон тараққиёт йўлида: ўтмиш, бугун ва келажак", "Диний-экстремистик ғояларнинг салбий оқибатлари", "Оммавий маданият – кўзга кўринмайдиган хавфли қурол", "Маънавиятга таҳдид – ўзлигимизга таҳдид", "Глобаллашув жараёни ва таҳдидлар" каби мавзуларда учрашув, давра суҳбатлари ўтказилди.

Паркент ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги дастур ижросини таъминлаш мақсадида таъкидлаб ўтилган мавзуларга доир, шунингдек, ўқувчи-ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга бағишланган давра суҳбати ва "Залолатдаги заифалар" видеофильми намойиши бўлиб ўтди.

Унда вилоят, туман ИИБ ХООБ, Республика маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими, "Тошкент ҳақиқати" газетаси ходимлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда коллеж ўқувчилари ва ўқитувчилар фаол иштирок этишди.

– Ҳуқуқий демократик давлат барпо этилаётган мамлакатимизда инсон шаъни улуғ, – деди ўз маърузасида вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси катта инспектори Зулайҳо Қаландарова. – Унинг ҳуқуқ ва эркинликлари қатъий ҳимоя қилинади. Инсонпарварлик тамойили устувор давлат сиёсати барчанинг эркин, озод, тинч, осуда ҳаёт кечиришини кафолатлайди. Аммо, сиз ёшлар ҳам истиқлолимиз неъматларини қадрлаб, Ватанни ардоқлашни ўрганишингиз, турли ёт оқимлар таъсирига тушиб қолмасликка ҳаракат қилишингиз керак...

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар экстремистик оқимлар, оммавий маданият, ақидапарастлик, эрта никоҳларнинг зарари, тинчликнинг шарофати ҳақида сўзлаб, ёшларни доимо огоҳ, ҳушёр бўлишга чорладилар.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ҲОСИЛ ЧЎҒИ МЎЛ БЎЛАДИ

**Оққўрғон туманидаги "Абдулла ота" фермер хўжалиги аъзолари ҳар йили ғалла ва пахтадан мўл ҳосил етиштиришади. Хўжаликнинг ҳар бир аъзоси ўзларига бириктирилган майдонда астойдил меҳнат қилишмоқда. Шунга яраша ҳосил чўғи йилдан-йилга кўтарилиб, олаётган даромадлари ҳам ортиб бормоқда. Ишчиларнинг турмуш даражаси яхшиланиб, ҳар бири шахсий уй-жойи ва автомобилига эга.**



Бу йил фермер хўжалиги 27,7 гектар майдонда пахта, 16 гектар майдонда ғалла етиштирмоқда. Улар пахта ҳосилдорлигини 35 центнерга, ғалладан эса салкам 50 тонна сара дон етказиб бериш учун бор имкониятларини ишга солиб, меҳнат қилишмоқда. Уч марта қондириб суғорилган ва икки марта озиқлантирилган ғалла мўл ҳосилдан нишона кўрсата бошлади.

– Ғалламизни комбайнбоп қилиб ўстириш учун ҳамма майдонларимиз бегона ўтлардан тўлиқ тозаланди, – дейди деҳқон Бахтиёр Шодиев. – Бу режадагидан анча юқори ҳосил кўтариш имкониятларини беради.

Фермер хўжалигининг ҳар бир аъзоси мўл ҳосил етиштириб, ўтган йилгидек туманда илғорлар қаторидан ўрин эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Сувчилар Дониёр Шодибеков, Саидвали Муҳамедов, ишчилардан Сайёра ва Дилдора Шодибоева, Муҳаббат Абдуллаеваларнинг ғайрати туфайли ғўзалар серавж. Гектарига 28 центнер ўрнига 33-35 центнердан мўл пахта ҳосили етиштириш имкони яққол кўзга ташланмоқда.

– Мақсадимиз элимиз ва Президентимизга берган ваъдамизни шараф билан оқлаш, – дейди фермер хўжалиги раҳбари, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Моҳирахон Абдуллаева. – Бу ҳукуматимизнинг бизларга кўрсатаётган ғамхўрлигига амалий жавобимиз бўлади.

**Пардабой ЭРГАШЕВ.**

# МАҲСУЛОТЛАР СИФАТЛИ, АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФО

**Мамлакатимизда ўтказилаётган экология ҳафталиги доирасида Зангиота туманида жойлашган "GM Powertrain Uzbekistan" қўшма корхонасига медиатур ташкил этилди. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва "Экомактаб" нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда депутатлар, давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, эколог мутахассислар, журналистлар иштирок этди.**

Бугунги кунда инсон ва табиат ўртасида уйғунликни таъминлаш, барча ишлаб чиқариш тармоқлари ва хўжалик фаолиятида табиатга безарар усул ва воситаларни, чиқиндисиз технологияларни татбиқ этиш, табиий захиралардан оқилона фойдаланиш, келажак авлодга мусаффо табиатни мерос қолдириш каби тушунчаларни ўзида мужассам этган "яшил иқтисодиёт" атамаси тез-тез тилга олинмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, экологик ислоҳотлар жараёнида жаҳонда бу борада эришилаётган илғор тажриба ва янгиликлардан самарали фойдаланиш, саноат корхоналарида тежамкор, табиатга зарар етказмайдиган технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

2011 йилда ўз фаолиятини бошлаган "GM Powertrain Uzbekistan" қўшма корхонасида йилига икки юз йигирма беш минг дона двигатель тайёрланмоқда. Ишлаб чиқаришда яшил иқтисодиётга йўналтирилган соф технологияларни жорий этиш корхона фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Бу ерда иш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган, ҳосил бўладиган чиқиндиларни қайта ишлаш тизими яратилган. Ҳавога чиқадиган газ ва чангни ушлаб қоладиган замонавий қурилманинг иш самарадорлиги жуда юқори.

Саноат оқаваларини тозалаш бўлимида иш замонавий технологиялар асосида ташкил этилган. Корхона атрофида етти ярим гектарлик боғ ва майсазор барпо этилиши натижасида ҳавога чиқадиган зарарли газларни кескин камайтиришга эришилмоқда.



– 2010 йилда Тошкент автомобиль-йўллар институтини битириб, мазкур корхонанинг йиғув цехида оператор бўлиб ишлаяпман, – дейди Мирзоҳид Зуфаров. – Замонавий технологиялар ҳар томонлама юқори самарадорликка эга, ишлаб чиқариш жараёнида экологияга салбий таъсир кўрсатмаслик чоралари кўрилган. Иш унумдорлигимиз жуда юқори ва маҳсулот сифати халқаро андозаларга тўла мос келади.

Корхонада амалга оширилаётган экологик лойиҳалар кўламини янада кенгайтириш, атроф-муҳитга таъсирини доимий баҳолаб бориш, иш жараёнини мамлакатимиз экологик қонунчилигига мос тарзда ташкил этилган. Бу йўналишда мутахассисларнинг билим ва кўникмаси доимий ошириб борилаётир. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида эришаётган бундай ютуқлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган танловларда диплом ва сертификатлар билан тақдирланган.

Медиатур иштирокчиларига қўшма корхонада қўлланилаётган замонавий технологиялар, амалга оширилаётган экологик лойиҳалар, соф ишлаб чиқаришни ривожлантиришга оид истиқболдаги режалар хусусида маълумот берилди.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Давра суҳбати

# СОН ВА СИФАТ ЎСМОҚДА

**Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ўтказган давра суҳбати "Жамиятни демократлаштиришнинг долзарб масалалари" мавзуига бағишланди.**

"Пойтахт" бизнес марказида ташкил этилган тадбирнинг асосий мақсади ОАВнинг демократик ва либерал ислоҳотлар мақсадларига эришишдаги роли ва ўрнини кучайтириш, журналистларнинг ижтимоий масалаларни ёритиш кўникмаларини эгаллашларини таъминлашга қаратилди.

Иштирокчилар қайд этганидек, ОАВ билан боғлиқ турли қонун ва қарорлар эълон қилинаяпти. Чунончи, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 31 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва кафолатларини тақдим этиш тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг барчаси сон ва сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир қилмоқда: 1991 йилдан айни вақтгача уларнинг сони 395 тадан 1372 тага ўсди, бундан қарийб 60 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир. Жойлардаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда ОАВнинг роли сезиларли равишда кўпаймоқда.

Таъкидланганидек, жамиятни демократлаштиришни суд ҳокимияти ва сайлаш эркинлигисиз амалга ошириб бўлмайди. Шу боис, мамлакатдаги изчил ислоҳотларнинг устувор жиҳати, бу суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, либераллаштириш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришдир. Мамлакатда фуқаролик жамиятини барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётган 200 дан зиёд қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган.

Семинар давомида фикр-мулоҳазалар алмашилди, журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

Анжуман

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташаббуси билан Халқаро болаларни ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

# ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ КАФОЛАТЛАНГАН

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунларданоқ болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий, қонунчилик, конституциявий шароитларни яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор масаласига айланди. Бу борадаги фаолиятнинг муҳим йўналишларидан бири 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги БМТ Конвенцияси қоидаларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилинишидир.

Таъкидланганидек, ушбу тадбирнинг ўтказилиши унга ўзгача маъно бағишлайди. Зеро, Давлат дастури доирасида ёшларнинг, шу жумладан, ногирон болаларнинг ижтимоий ҳимояси янада кенгайди ва уларга хизмат кўрсатувчи тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда.

Давра суҳбатида иштирокчилар ўз саволларига вазирлик мутахассислари томонидан атрофлича жавоб олдилар.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

# КОЛЛЕЖДА ФЕСТИВАЛЬ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ҳамда Зангиота туман кенгаши маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

Фестивалда видеороликлар, иншолар, расмлар танлови ташкил этилди. Бундан ташқари, туман ёшлари турли хил спорт ўйинлари, жумладан шахмат-шашка, стол тенниси ҳамда мини футбол мусобақаларида беллашишди.

Ёшлар фестивали якунида "Шунқорлар" ва "Антиқа" жамоаларининг бадиий чиқишлари иштирокчиларда қизиқиш уйғотди.

**Наргис ҲАСАНОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# СОВУҚҚОНЛИК БИЗГА ЁТ

**Бугунги ижтимоий турмуш омиллари тараққий этган бир даврда кундалик ҳаётимизни газ, электр энергияси ва ичимлик сувисиз тасаввур этиш қийин. Айниқса, қувурлар орқали хонадонларимизга беминнат оқиб кираётган табиий газ маълум вақт тўхтаб қолса, кўнгилларни қанчалик хира қилиши ҳаммага аён.**

Минг афсуски, бугун ён-атрофимизда табиий газни беҳуда исроф қилаётган истеъмолчилар борлигига гувоҳ бўламиз.

"Ўздавнефтгазинспекция" ва "Ўзтрансгаз" акционерлик компанияси билан ҳамкорликдаги режа-жадвалига асосан 2013 йил давомида ўтказилган ўрганишларда бир қатор қонунбузарлик, ўзибўларчилик каби ҳолатларга йўл қўйилаётгани фош этилди. Жумладан, улгуржи истеъмолчиларнинг 1802 нафари газ тармоқларига ноқонуний улангани аниқланиб, уларнинг барчаси газ тармоқларидан узиб қўйилди. Текширишлар жараёнида улар томонидан жами 16,2 миллион метр куб миқдорда газ сарф қилиниб, давлатга 2 миллиард 221,8 миллион сўм миқдорида моддий зарар етказилгани маълум бўлди. Шунингдек, газ таъминоти ҳудудий бўлимлари томонидан катта миқдорда зарар келтирган 522 нафар истеъмолчи хатти-ҳаракати бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар қонуний чоралар кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди.

Ўтган йил якунига кўра, газ қувурига ноқонуний уланиб олиш каби ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва тегишли чораларни кўриш ишларига совуққонлик билан қараган ҳудудий газ таъминоти ходимларининг 64 нафарига "ҳайфсан" берилди. 38 нафар ходимнинг ойлик иш ҳақидан белгиланган тартибда чегириб қолинди. Ишларни ўзибўларчиликка ташлаб қўйгани учун 2 нафар ходим эгаллаб турган вазифасидан озод қилинди. 7 нафар ходим қатъий тартибда огоҳлантирилди. 11 нафар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинди. Шунингдек, бу каби муҳим ишларга беписанд бўлган 122 нафар ходимга нисбатан интизомий чора кўрилди.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, тегишли интизомий чораларни янада мукаммаллаштириш, қолаверса, соҳа ходимларининг масъулиятини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Ўзнефтгаз" Миллий холдинг компанияси, "Ўзтрансгаз" акционерлик компанияси ва "Ўздавнефтгазинспекция" биргаликда "Иқтисодиёт тармоқларида газдан фойдаланиш қоидалари" ҳамда уни тасдиқлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва маҳкамалар билан келишув ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган Ўзбекистон Республикасининг "Газ таъминоти тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишида инспекциянинг малакали мутахассислари ҳам фаол иштирок этди.

**Хондамир ЛАТИПОВ,**
**"Ўздавнефтгазинспекция" вилоят бўлими бош мутахассиси.**

**Соғлом бола йили муносабати билан "Соғлом боланикни таъминлайлик" давлат гранти бўйича бир ой давомида саломатлик кунлари тадбири ўтказилди.**

# САЛОМАТЛИК ОЙЛИГИ ЎТКАЗИЛДИ

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси минтақавий филиали билан ҳамкорликда Паркент туманидаги умумтаълим мактабларининг 1-, 4-синф ўқувчиларига дори-дармонлар тарқатилди.

Кўрик жараёнида тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси – социолог, гинеколог, педиатр каби малакали шифокорлар қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлишиб, 2967 нафар аҳолини тиббий-кўрикдан ўтказиш билан бирга турли касалликлар ҳақида суҳбатлар олиб боришди, маърузалар ўқишди. Кўрик давомида 415 нафар хотин-қиз, 291 нафар туғуруқ ёшидаги аёллар, 1785 нафар ўсмирларнинг соғлиги текширилди. Маҳаллалардаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳомийлик қилинди. Тиббий-кўрик мобайнида аниқланган касалликлар бўйича беморларга оила марказларида даволанишга йўлланмалар берилди.

**Умида ИСАЕВА.**

# МАЖМУАДА ИЛК ТАДБИР

**Ўзбекистон Либерал демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси Оҳангарон туманида "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида "Соғлом бола" спорт мажмуасининг очилиши муносабати билан "Соғлом бола – соғлом келажак" мавзуида тадбир ташкил этди.**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимлиги, туман "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари ҳамда ёш спортчилар иштирок этишди.

– Эндиликда мазкур мажмуада спортнинг саккиз тури бўйича 300 нафарга яқин болалар машғулотлар олиб боради, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Фахриддин Комилов.

Тадбир сўнгида туман ёшлари ўртасида ўтказилган мусобақа ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА.**

ЭЪЛОНЛАР

## Ҳурматли тадбиркорлар!

"Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг қарори асосида вилоятда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулайлик, шарт-шароитлар яратиш мақсадида Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциясида ҳар ойнинг биринчи сешанба куни **"Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш"** ва **"Очиқ эшиклар куни"** эълон қилинади.

Стандартлаштириш ва сертификатлаш масалалари, синов лабораторияси объектларни техник кўрикдан ўтказиш ҳамда қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва тегишли рухсатномалар олиш, шунингдек, бошқа масалалар бўйича ҳар ойнинг биринчи сешанба куни соат 9.00 дан 17.00 гача 241-40-25 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тошкент вилояти бўйича ДАҚН инспекцияси манзили: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7-уй.**

## ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 17 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари"га бағишланган йиғилиши баёни ҳамда жорий йилнинг 13 майдаги Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш масаласига бағишланган селекторда белгиланган вазифа, топшириқлар ижросини таъминлаш ва вилоят ҳокимининг "Вилоят ҳокимлигида "Ишонч телефони" ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан вилоят ҳокимлигида ишонч телефони хизмати йўлга қўйилди.

Энди сиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган

**(8-371) 232-80-42 ишонч телефонига**
***душанбадан жумагача соат 09.00 дан 18.00 гача мурожаат қилишингиз мумкин.***

Ариза ва шикоятларингиз тушган кундан бошлаб, ҳокимлик томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилади. Қўшимча ўрганиш ва текшириш талаб этилмайдиган ҳолларда бу муддат ўн беш кундан кечиктирилмайди.

Таклифларингиз ҳам тушган кундан бошлаб бир ой муддатда кўриб чиқилади. (Қўшимча ўрганиш талаб қиладиган таклифлар бундан мустасно). Бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кун муддатда маълум қилинади.

**Унутманг, Сизнинг ҳуқуқ ва манфаатларингиз қонун билан ҳимояланган.**

**Диққат! Диққат! Диққат!**
**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!**

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани, Бордонкўл ҚФЙ ҳудудида жойлашган Тошкент вилояти ҳокимлиги балансидаги бино ва иншоотлар мажмуаси.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

умумий ер майдони – 0,55 га;

бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони 871,938 кв.м;

– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи – 1 476 044 000 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент вилояти ҳокимлиги.

Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс (8-371) 228-79-52, веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 9 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй манзилида ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 23 июль, 6 ва 20 август кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, 20208000904920609114, МФО 01036, СТИР 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 228-79-52. Факс: (8-371) 228-79-52.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жарёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Учтепа тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳри, Учтепа туманлараро судининг 15.04.2013 йилдаги №1-1838/13-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 12-тор Шароф кўчаси, 2-А уйда жойлашган, умумий майдони 805,0 кв.м., фойдаланиш майдони 112,76 кв.м., яшаш майдони 71,01 кв.м.дан иборат бўлган тураржой қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 165 806 250 сўм; 1) Тошкент шаҳри, Олмазор тумани СИБ томонидан тақдим қилинган, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 9.01.2014 йилдаги ҳукмига ва Тошкент шаҳри, М. Улуғбек туман судининг 01.12.2012 йилдаги №1-550/2012-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 263-А уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 965,40 кв.м., қурилиш ости майдони 62,50 кв.м.дан иборат бўлган 2 та яшаш хонадан иборат тураржой қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 151 040 000 сўм; 2) Тошкент шаҳри, Олмазор тумани СИБ томонидан тақдим қилинган Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 9.01.2014 йилдаги ҳукмига ва 8.04.2014 йилдаги № ЖСҲ-1-16/14-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Шифокорлар шаҳарчаси, 16-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 70,04 кв.м., яшаш майдони 42,64 кв.м.дан иборат бўлган 3 та яшаш хонадан иборат тураржой қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 107 112 621 сўм. Аукцион савдолари 2014 йил 11 июль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

"CHUQURSOY-TAYYORLOV" МЧЖнинг устав жамғармаси 21 040 392 сўмдан 18 540 392 сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: 357-01-00.

"MIORA TRADING" МЧЖ ва "NEW VITA LINE" МЧЖлар Тошкент шаҳар Миробод туманидан рўйхатга олинган "CLASSIC STANDART PRODUCTION" МЧЖга бирлашишини маълум қилади. Телефон: (+99893) 550-50-60.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 3-сон умумтаълим мактаби томонидан 13.06.1991 йилда Алиахунова Зулола Бахтиёровна номига берилган В № 219050 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 04.10.2011 йилда № 000341-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "QUDRATILLO-HOJI OTA" (ИНН 205146703) хусусий корхонаси ТУГАТИЛАДИ (таъсисчининг 02.06.2014 йилдаги 6-сонли қарорига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 520-35-33 ёки 240-37-97 телефон рақамлари орқали қабул қилинади.

"ELITE AUTO GROUP" (ИНН 301628656) МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Частное предприятия "AVRORA MEDIA" (ИНН 206980229), расположенное по адресу: г. Ташкент, Юнусабад 11-квартал, дом 50-Б преобразуется на ООО "AVRORA MEDIA" (решения единоличного учредителя № 06/01 от 06.06.2014 г.).

Утерянную зачетную книжку № 1591, выданную Ташкентским Государственным техническим университетом в 2012 году на имя Рыскибаева Рузибека Тохир угли, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманида жойлашган "PRIME PAGE" МЧЖга Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимияти томонидан 2014 йилда берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ



Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 7 июнь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан секундига 3-8 метр тезликда эсаётган шамол момақалдироқ пайтида кучайиб, секундига 12-17 метрга етиши мумкин. Кечаси 18-20, кундузи 31-33 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Шамолнинг тезлиги момақалдироқ пайтида кучайиб, секундига 15-20 метрга етиши мумкин. Кечаси 15-20, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, баъзи туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Шамолнинг тезлиги момақалдироқ пайтида кучайиб, секундига 15-20 метрга етиши мумкин. Кечаси 10-15, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

## Спорт

# ЁШ РАКЕТКА УСТАЛАРИ

**Олмалиқ шаҳридаги "Аммофос-Максам" очиқ акциядорлик жамияти кортида 1997-2004 йилларда туғилган ёшлар ўртасида теннис мусобақаси бўлиб ўтди.**

"Аммофос-Максам" ОАЖ соврини учун бешинчи бор ташкил этилган мазкур беллашувда мезбон жамоадан ташқари Тошкент шаҳрининг "Ўзавтосаноат", Бекобод шаҳрининг "Ўзметкомбинат" ва Олмалиқ АКМКнинг теннис клубларидан 32 нафар ёш ракетка усталари ғолиблик учун баҳслашишди. Қизғин ва муросасиз кечган беллашув натижаларига кўра, 1997-2000 йилда туғилганлар баҳсида Сервер Уланов биринчиликни қўлга киритган бўлса, қизлардан Муниса Тошпўлатовага тенг келадигани топилмади. 2001-2003 йилда туғилган ўғил болалар беллашувининг финали айниқса муросасиз кечиб, Фазлиддин Абдухалилов мутлақ ғолиб бўлди. Шу ёшдаги қизлар орасида Алина Акберова тенгсиз эканлигини исботлади. 2004 йилда туғилганлар баҳсида эса Азиз Мадатов ўғил болалар, Севинч Турсунбоева қизлар ўртасида фахрли 1-ўринни эгаллашди.





Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими чинакам спорт байрамига айланиб кетди. "Шодиёна" ва "Шаҳноз" гуруҳининг мусиқий чиқишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Аваз БЕКОВ.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## Тадбир

**Пойтахтимиздаги "NEXT" савдо кўнгилочар мажмуасида Grow with English! – "Инглиз тили билан катта бўл!" маърифий акцияси ўтказилди.**

# ТИЛ БИЛГАНГА ДУНЁ КЕНГ

Тадбир Британиянинг Ўзбекистондаги Кенгаши, ЮНИСЕФ, Macmillan Bookshop китоб дўкони, Тошкентдаги Британия мактаби ҳамда "NEXT" савдо кўнгилочар мажмуаси томонидан ташкил этилди.

Акция доирасида ҳар хил ўйинлар, тасвирий санъатнинг турли йўналишлари ва инглиз тилини ўрганиш ўқув жараёнини қувноқ ўтказиш ҳамда боланинг таълим олишида ота-оналарнинг иштирокини кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар намойиш этилди. Бир-биридан қизиқарли машғулотлар давомида 4-14 ёшли болалар ўз қўллари билан турли буюмлар тайёрлашди, расмлар чизишди. Улар учун турли томошалар намойиш этилди. Футбол майдончасида эса болалар копток ўйнаш ва инглиз тилида санаш бўйича куч синашишди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

## Қарор ва ижро

# ЭР ЙИГИТГА ИМТИЁЗ

Тошкент давлат аграр университетида Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши томонидан олий таълим муассасаларига муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинган талабаларни моддий қўллаб-қувватланиши билан боғлиқ ҳужжатлар ва "Камолот" ЁИҲ марказий кенгаши томонидан тасдиқланган тавсияномаларни тантанали топширишга бағишланган "Ватан ҳимоячиси ва тинчлик посбонларига юрт ишончи" шиори остида тадбир ташкил этилди.

Тадбирда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинган ҳамда "Камолот" ЁИҲ марказий кенгаши томонидан тасдиқланган тавсияномаларни қўлга киритган 39 нафар талаба тақдирланди.

**Адҳам АҲМЕДОВ.**

## Ҳунармандчилик

# ЁҒОЧЛАРДА ҲАЁТ ЖИЛВАСИ



**Зангиота туман "Устоз-шогирд" мактаби раҳбари, Ўзбекистон халқ устаси Сирожиддин Раҳматиллаев мана қирқ йилдирки ёғоч ўймакорлиги йўналишида самарали меҳнат қилиб келаяпти. Оддий ёғочларга сайқал бериб, унда ҳаёт аксини жилвалантира олган уста бугун зангиоталик кўплаб ёшларга ўз санъати сирларини ўргатиб келмоқда.**

– Малайзиядаги халқ амалий институти ўқитувчиларига сабоқ берганимда, уларда Ўзбекистондаги Шаҳидлар майдони, Амир Темур музейи, Имом Бухорий мажмуасида мен ишлов берган дарвоза ва эшиклардаги ёғоч ўймакорлиги санъатига катта қизиқиш уйғонди, – дейди уста фахрланиб.

**Наргис ҲАСАНОВА.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## Турфа олам, турфа одам

# ИСТИҲОЛА

Саиднинг бирданига типирчилаб қолганига ҳайрон бўлиб, хотини Нурнисо сўради:

– Ҳа, адаси, тинчликми? Чойингизни ҳам ичмабсиз?!

– Э, бугун мажлис бор эди. Хаёлимдан кўтарилиб, телевизор кўриб ўтириб қолибман...

У апил-тапил кийинди-ю, бўйинбоғини папкасига солиб, кетишга чоғланди.

– Ҳа, намунча, бўйинбоғни тақмасангиз нега олволдингиз?!

– Бошлиғимиз йиғилишга галстуксиз кирманглар, деган.

– Ўзингиз боғлолмайсизку, ё...

– Катта холанг боғлаб қўяди, тушундингми? Кўп сўроққа тутаверма...



Аксига олиб, у чиқадиган автобус эндигина кетибди. Таксига ўтирай деса, умрида биринчи бор олган ойлик чиптаси бор. (Дўсти пулни тежаш учун ойлик чипта олишни маслаҳат берган). Ахир, яқинда тўй қилиши керак. "Э, таваккал, – ўйлади у. – Мажлисга кеч қолмасам бўлди..."

Саид шундоққина олдига келиб тўхтаган "экспресс" автобусга чиқиб олди. Лекин, ярим йўлда бошқасига чиқишини ўйлаб, эшик олдидаги тутқичга қўлини чўзди: "Эшик олдида турманглар, ўртаси бўш-ку, намунча олдинга тиқиласизлар, қани сурилинглар!" Шу топда чиптачининг одатий танбеҳлари ҳам малол келди. "Ҳозир тушаман" деди у оғриниб.

– Э, тушсангиз тушарсиз, бошқаларнинг йўлини тўсманг...

"Э, жаврамай ўл, – деди хаёлан унга тикилиб. – Фикру зикри йўловчиларни кўпроқ овлаш, ўтинга ўхшатиб тахлаш. Бунга одам эмас, пул керак".

Саид кейинги бекатда сакраб тушиб қолди. Қараса, ўзининг автобуси келаяпти. "Хайрият, ҳали ярим соат бор, улгураман" деган хаёлда югуриб чиқиб олди. Бахтига бўш ўриндиқлар кўп экан. Энг олдига ўтирди. Аммо, нимагадир автобус жуда секин юраётгандек: "Намунча имиллайди-я, бу шофёрлар, одам йиғса бўлди, ишга кеч қолаяпсанми, мазанг қочаяптими, уларга барибир..."

Бироздан кейин яна ўйлади: "Лекин буларга ҳам қийин, куни билан тўртта одамни у ёқдан бу ёққа ташиш осонми? Темир ҳам ишлатилаверса ейилади-да". Шу пайт ҳайдовчи тўхтаб, қаршисидан қўл кўтариб чиққан икки онахонни олишга мажбур бўлди:

– Нега бекатда турмайсизлар, ахир бу ерда тўхташ мумкин эмас, – оғринди ҳайдовчи.

– Ҳа, болам, оёғимиз оғрийди-да, бекатинг узоқроқ экан. Илоҳим барака топ, тупроқ олсанг, олтин бўлсин, болам. Кам бўлма...

Шофёрнинг юзи ёришди: яхши гап яхшида... Саид эса, ичини ит тирнаб, дам-бадам соатига қарайди: "Ҳали 10 минут бор, улгурармиканман".

Ҳар бекатда 2-3 дақиқадан турса ҳам, Саидга гўё бир соатдек туюлади. "Нима қилишсин, буларга ҳам осон эмас, – яна ўйлади у. – Бу аҳволда..."

Шу пайт чиптачининг: "Йўл ҳақини тайёрланглар" деган овози хаёлини бўлди. Қараб турса, ҳар икки одамнинг бирида чипта. Энсаси қотган чиптачи ўзича, аммо ҳаммага эшиттириб ғудранди: "Нима бало, бу ой ҳаммага чипта бепул тарқатилганми, дейман..."

Саиднинг пешонаси тиришди: "Оббо, мен ҳам ҳозир чиптамни кўрсатсам, роса жаҳли чиқса керак. Ке, шуни хафа қилмай қўя қолай. Жа, от билан туя бўлармиди". У чўнтагини кавлаб, минг сўм чиқариб, чиптачига узатди. Унинг юзидаги мамнунликни кўриб, ўзича хурсанд бўлди. Бир вақт ҳалиги икки онахон ўрнидан туриб: "Болам, шу ерда тўхтатиб юбор, умрингдан барака топ, жон болам. Олгину олдирмагин, илоҳим, болаларингни роҳатини кўр", – дея дуо қила кетди.

Ноилож қолган ҳайдовчи тақиқланган жойдан сал ўтиб тўхтади:

– Тез тушинглар, ҳозир ГАИ кўриб қолади...

Ҳайдовчининг гапига фаришталар омин деганми, бир зумда ДАН ходими пайдо бўлди:

– Қани, ҳужжатларингизни беринг. Йўл қоидасини буздингиз...

Саид бу ҳолатдан баттар мулзам. Гўё, воқеага ўзи сабабчидек. Энди у росманасига жаҳл отига минди. Ахир мажлис бошланишига 5 дақиқа қолди. У автобусдан ирғиб тушди-ю, пиёда югуриб кетди...

**Сайёра РАҲМОНҚУЛ қизи.**


**ЭЪЛОНЛАР**

Тошкент Давлат техника университети томонидан 2011 йилда Наимова Гўзал Нўмон қизига берилган № 2751 рақамли рейтинг дафтарчаси ва талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянную лицензионную карточку принадлежащей ООО "SURXON-MOBILE" (ИНН 206732757), выданная автомобилю MAN TGA 26.400 гос. номер 75/491 НАА, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ. Телефон для справок: (+99898) 251-15-51.

ООО "ASIA GROUP SERVICE" (ИНН 300410430), зарегистрированное ИРСП хокимията Яккасарайского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. У. Носира, дом 111, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение единственного участника ООО "ASIA GROUP SERVICE" от 06.06.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.


## Болалар ёзи – 2014

# ТАЪТИЛЛАР МАЗМУНЛИ ЎТАДИ

**Ўқувчилар ёзги таътил даврида мароқли дам олиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларида соғломлаштириш оромгоҳларининг ўрни беқиёс. Шу боис ёзги соғломлаштириш мавсумига бу йил ҳар йилгидан ҳам кўра ўзгача тайёргарлик кўрилди. Хусусан, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда қатор мутасадди ташкилотлар бу борада кенг кўламли тадбирларни амалга оширмоқда.**

Соғломлаштириш ишлари ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Концепцияси"га мувофиқ олиб борилаяпти. Бу жараёнда Вазирлар Маҳкамасининг "Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан 2012 йилда ташкил этилган Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг фаолияти самарали бўлмоқда. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ таркибида ташкил этилган ишчи гуруҳлари ҳамда ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳ аъзолари ҳар бир ҳудудда мавсумнинг намунали ва уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш йўналишида иш олиб бордилар. Оромгоҳларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари манзилли дастур доирасида босқичма-босқич амалга оширилди. 2014 йилги манзилли дастурга мувофиқ 3 та янги оромгоҳ қурилиши, 16 та оромгоҳни реконструкция қилиш ва 24 тасини капитал таъмирлаш режалаштирилган.

Бу йил республикамиздаги 1085 та оромгоҳ болажонлар учун ўз қучоғини очди. 214 та стационар, 739 та кундузги, 132 та меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари шулар жумласидандир. Мавсум давомида бу ҳордиқ масканларида 281 минг 892 бола соғломлаштирилади. Уларнинг 147 мингдан ортиғи стационар оромгоҳларга, 134 мингдан кўпроғи кундузги оромгоҳларга жалб этилади.

Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, ихтисослаштирилган оромгоҳлар фарзандларимизнинг севимли масканларига айланди. Бу йилги мавсумда 214 та ана шундай оромгоҳ фаолият кўрсатади. Аҳамиятлиси, интеллектуал ривожлантириш, тарбия ва спорт-соғломлаштириш, меҳнат ва дам олиш, ижтимоий-мослашув, экологик-биологик, ўлкашунослик, техник ижодкорлик йўналишидаги оромгоҳлар қаторига бадиий ижодкорлик йўналишидаги оромгоҳларнинг қўшилиши мавсум янгиликларидан бири бўлди. Энг муҳими, мазкур ихтисослашган масканларга болажонлар ўз қизиқишлари ва иқтидорларига қараб жалб этилади.



– Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши иқтидорли ўғил-қизлар учун интеллектуал ривожлантириш оромгоҳларини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратаяпти, – дейди Федерация Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. – Бўстонлиқ туманида жойлашган "Қуёшли" болалар соғломлаштириш оромгоҳи негизида ташкил этилган интеллектуал ривожлантириш оромгоҳида "Билимлар беллашувлари"нинг 500 нафардан ортиқ ғолиблари соғломлаштирилади. Ҳудудларда ҳам худди шу турдаги 14 та оромгоҳ "Билимлар беллашувлари"нинг ҳудудий босқичларида ғолиб бўлган 1400 нафар иқтидорли ўқувчиларни ўз бағрига олади.

Яна бир эътиборли жиҳат, меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари жорий йилда қарийб 2 баробар кўпайиб, 132 тага етказилди. Уларга академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 15-18 ёшдаги ўқувчилари қамраб олинади. Ўқувчилар корхона ёки ташкилотларда белгиланган тартибда амалиёт ўтаб, ҳордиқ чиқарадилар. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик натижасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 4,5 минг ўғил-қиз Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги корхона, ташкилот ва муассасалар тасарруфидаги энг сўлим, баҳаво оромгоҳларда соғломлаштирилади.

Юртимизда кучли ижтимоий ҳимоянинг ёрқин мисоли сифатида кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига кўрсатилаётган ғамхўрликни келтиришимиз мумкин. "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларнинг 600 нафар, шунингдек, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун туманларидаги кам таъминланган оилаларнинг 100 нафар фарзандини имтиёзли дам олдириш ва соғломлаштириш кўзда тутилган. Шунингдек, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 2 минг бола оналари билан бирга ўз саломатлигини мустаҳкамлайди.

Бу мавсумда ҳам корхона, ташкилот ва муассасаларда амал қилаётган жамоа шартномалари асосида 30 мингдан ортиқ кам таъминланган оила фарзандларини имтиёзли йўлланмалар билан таъминлаш давом эттирилаяпти. Меҳрибонлик уйларининг 2 минг нафар тарбияланувчиси, жисмоний имконияти чекланган 50 нафар бола касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан энг сўлим масканларда бепул соғломлаштирилади.

Юртимиз болаларининг ёзги таътилига ҳозирлик шугина эмас. Оромгоҳларнинг ҳар бирига ўз ишига сидқидилдан ёндашадиган педагог-тарбиячи, етакчи, тўгарак раҳбарлари, ички ишлар ходимлари жалб этилган. Тиббиёт ходимлари болалар саломатлигини назорат қилиб борса, етакчилар турли қизиқарли ўйин ва мусобақалар билан улар вақтини мароқли ўтказишга ёрдамлашади. Ошпазлар эса мазали таомлар тайёрлаб, келажагимиз эгаларининг жисмоний камолотига ҳисса қўшадилар. Асосийси, болаларнинг мириқиб дам олишлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё. Улар оромгоҳларда ўзаро дўстлашадилар, қалблари бир олам завққа тўлиб, янги ўқув йилига бой таассуротлар билан қайтадилар.

**Фармон МАТНАЗАРОВ, "Туркистон-пресс".**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-102. Адади 15487. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.20.